

20 20 yil "29" Декабрь № 1757

Мирзо Улуғбек тумани Қорасу-6
Оққўрғонда яшовчи фуқаро
Наджимитдинов Баходирга меро қилиб
қолдириладиган умрбод эгалик қилиш
хуқуқи билан дехқон хўжалиги ташкил
этиш учун ер майдонини ажратиб бериш
тўғрисида

Тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 55-моддалари ҳамда «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуннинг 8-моддаларига «Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонунининг 6-10-асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид эhtiёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Мирзо Улуғбек тумани Қорасу-6 Оққўрғонда яшовчи фуқаро Наджимитдинов Баходирга дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги 29.09.2020 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. Мирзо Улуғбек тумани Қорасу-6 Оққўрғонда яшовчи фуқаро Наджимитдинов Баходирга туман ҳокимлиги захира фондига қарашли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган Муқумий ММТП худудидаги № 376қ-контурдаги 0,30(ўттиз бир сотих) га, ер майдонини дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш хуқуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон тумани «давлат хизматлари» марказидан рўйхатдан ўтказиш тегишли хуқуқий хужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқаро Наджимитдинов Баходирга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда хуқуқий хужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Ражабов, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқоровга топширилсин.

5. Ушбу қарор тасдиғи халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича туман ҳокими уринбосари Н.Мамадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими :



Қ.Джўраев